

ТОНТЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 76 (6818)
1997 йил 1 октябрь чоршанба

Сотувда эркин
нархда

БУЧУН — ЎҚИШУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ЎЛУЎБЕКНИНГ МУАЛЛИМИГА

Ўғлим, толеингда иккинчи онанг,
Бошингда парвона — муаллимнинг бор.
У билан ёруғдир қоронгу хонанг,
У тўшар умрининг йўлларига зар.

Мен сенга шунчаки кўзлар берганман,
Муаллим ургатар кура олмоқни.
Дилбандим, мен сенга она булганман,
Сенга у ургатар «она» демоқни.

Мен сенга тилингни берганлигим рост
Доно сўзламоқни у ургатади.
Мен сенга қўлларинг берганлигим рост,
Қалам ушламоқни у ургатади.

Мен сенга сут бердим, у эса зиё,
Унингсиз йўлларинг бўлмас ойдин, оқ.
Сени севмоғимни билади дунё,
Аммо у севади мендан ортиқроқ!



Сенга алла айтиб қуйчи булганман,
У эса ўзингни шоир қилади.
Буйларинг усганда кўнгли тулганман,
У ақлинг ўстириб, кўнгли тулади.

Ўдаклик чоғингда булганман бедор
Ва сенга бахшида этганман ҳаёт.
У эса яшашни ургатар минг бор,
Сени деб безовта яшар умрбор.

Сен агар ҳурматим сақламоқ бўлиб,
Истақларим сураб турсанг қошимда,
Авал муаллимнинг қўлларини уп,
Фидойи қалбини кўтар бошингга!

Сенинг инсонлигинг, борлигинг учун
Муаллимдан менинг жуда кўп қарзим.
Пайти келиб, бошинг қукка етган кун,
Иккимиз учун ҳам унга қил таъзим.

Хосият БОБОМУРОВОДА



Дунёда байрамлар кўп. Лекин шундай бир байрам борки, бу байрам на сарҳадни, на вақтни, на муносабатни тан олади. Бу кўнгилинг байрами, сарҳадсиз абадий байрам — СОҒИНЧДИР. Зеро кўнгилда соғинч яшар экан, бу кўнгилга ҳеч қачон худбинлик, ёвузлик ва ёмонлик яқин келолмайди. Соғинчнинг зангор нафаслари уфуриб турган дилдан эзгулик, ёруғ туйғулар ҳеч қачон аримайди.

Соғинч ҳақида уйлар эканмиз, беихтиёр сизнинг меҳрингизни жуда қаттиқ соғинганимизни ҳис қилдик, биринчи муаллим! Бу қандай сўзки, асрлар оша ҳам унинг залворли жаранги тинмайди, балки абадул-абад кўнгиллар аро, замонлару маконлар аро акс садо бераверади.

Илк бор «сирли осмон тоқига нарвон қўйган» Ўлуғбекнинг кўнглига юлдузлар меҳрини ким солган?

Хатто Христофор Колумбдан олдинроқ ҳам ўзининг ақл машғали билан олис Америка қитъасини ёритган Берунийнинг кўзларига бунчалар нурни ато қилган ким?

Бу албатта уз шоғирдидан

тутганча жилмайиб СИЗ пайдо буласиз, биринчи муаллим. Меҳр оловини ёқиб бизнинг мурғак қалбимизни иситган ҳам узингиз.

Дунёда ёвузлик, ёмонлик деган нарсалар ҳам борлигини

лимларимиз узгарар. Дунёқараш, ҳис-туйғулар ҳайратлар узгарар. Лекин кўнгилда ҳеч қачон узгармайдиган бир мусаффо кўтб бор. Мунаввар дунё бор — бу дунёда биринчи муаллим яшайди.

Кўнгилда соғинч деган байрам бор экан, ҳеч булмаса ҳар йили 1 октябрь кўни қўлда даста гул, кўнгилда гурур билан ҳузурингизга ошиқамиз. Саҳардан-кечгача эшик кўнгилогингиз жириглайверади. Юракларда эса муаллимларимиз қадрини яна бир қадар кўтарган мустақилликка эҳтиром туйғулари барқ уради.

Оқибат қўёшдек соча олар нур,

Сиз мўъжиз юракда ёқолган илм,

Меҳр яшагучи гўзал

Ватансиз,

Сизни олқишлаймиз устоз муаллим!

СОҒИНЧ БАЙРАМИ

наинки илмини, балки жонини ҳам аямайдиган муборак устознинг меҳр ила берган таълимидир.

Сир эмас, баъзан барчамиз болаликнинг бегубор кучаларида адашиб кетамиз ва бу кучаларнинг бошида доимо кўлингизда хуснихат дафтаримизни

билмайдиган, юраги содда ишончларга, покиза туйғуларга тула биз беғам болакайларга ҳаёт дарсини узгалар учун фидолик дарсини утаётган ҳам узингиз.

Ҳарир орзулар қанотида учиб кўниб кўз очиб-юмгунча утиб кетган мактаб даври олисларда қолар. Давр, дунё узгарар. Муал-

Миннатдорлик.
Мен бу йил 5-синфда ўқийман. Ўқоли саноқдорлар ҳам франлар ўқитилар экан. Мен она тили, математика, таърихнинг саноқдор, яна тили франларига қизиқиб қолдим. Бу франлардан таърихнинг, балки ўқитувчилар билан берилади. Дунёлар широкли утади. Қалби дарё, балки ўқитувчилар билан ўқитилар она Отабевва, Қалдиш ака Отабевва, Раънохон она Ўқитиларига, Манорхон она Ўқитиларига миннатдорлик билдираман. Буларни 1 октябрь — ўқитувчилар байрами билан шун қалбимдан таърихлайман.

*Ҳилхон Қазиржонова,
Муқимий номи
8-ўрта мактабнинг
5..е" синф ўқувчиси.*



Сиз - мувафак гулларга беролган муборак, Байрамнингиз кутлуз тавабдор устоз!



«Мактабимизга, турироги 6-«В» синфига комиссия келармиш». Бу шов-шув мактаб буйича тарқалди. Нима, бу ўқувчилар билимда бошқалардан ўзиб кетганми, еки аксими? Униси ҳам, буниси ҳам эмас эди.

СИНФИМИЗГА «КОМИССИЯ» КЕЛАРМИШ

Текширувчилар келадиган кун яқинлашгани сари ҳаммаёқ чиннилик тозаланди. Йулларча гуллар куйилди. Ховлию синфдаги ортиқча жиҳозлар олинди. Ўқувчиларнинг тишидан тортиб, мактаб сумкаситгача текширилди. Келган «комиссия» азбаройи қушлугидан синфга симади. Улар мактабни айлангунча парталарнинг ярми хонадан чиқарилиди. Комиссия учун алоҳида стуллар куйилди. Биз ўқувчилар эса икки киши ўтирадиган партада уч, турталаб ўтириб ёзма иш эдик.

Кейинроқ билсак, синфдошимиз «Б» математика фанидан доскадаги янги темани нотутри кучирган экан. Дафтари текширган отаси (у киши қайсидир институтда математикадан дарс берар эди) мактабимизга комиссия жунатибди. Юқори ташкилотга Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 197 — мактабнинг математика ўқитувчиси ўз фанини билмайди, қабиллада шикоят хати эзибди.

Орадан 2-3 ой вақт ўтди. Бу орада, 6-«В» синфи облон текшириди. Анча вақтгача математикадан бошқа ўқитувчи тайинланди. Биз эса уч йилдан бери Сизга урганиб қолган эдик. Танаффу вақтида Сизни қилдириб, «Ўқитувчилар хонаси»га кирдик. Болаларча меҳр билан ҳаммамиз Сизни маҳкам қучоқлаб олдик. Ва яна ўзимизнинг синфда дарс ўтишингизни илтимос қилдик. Қақдан ҳам билмайлик, ихтиёр сизда эмаслигини. Шунда яхши ўқишга, сузингизни икки қилмасликка ваъда

Ушанда бизни текширишавпти, деб уйлагандик. Йук, адашбимиз. Улар Сизни текшираётган экан. 45 минут дарс ҳам тутди. «Комиссия»дан бери ёзма ишмишни йигиб олди-да, қолганлари орқасидан чиқиб кетди.

бердик. Фақатгина бизни ўқитишингизни хоҳлардик, холос. Ушанда Сизнинг аччиқ куз ешларингиз бизнинг юз — кулимизга тушган эди...

Яна миш-миш тарқалди. Яна «Комиссия келибди». Келавриб-келавриб бизни жуда безор қилиб юборганди.

Негадир бу гал улар бор йуғи биттагина эди. Комиссиянинг орқасидан Сиз кириб келингиз. Бизга ёмон куринган уша комиссия негадир хурсанд эди. Аммо Сиз хомуш эдингиз.

— Болалар, Сиз устозингиз билан фахрлансангиз арийдил. Раҳмат сизларга, Сизга ҳам Абдулла ака! — деди-ю чиқиб кетди. Сиз хонада қолдингиз. Биз эса синфдан чиқиб кетишингиздан қурқиб, «Б» дан бошқа барчамиз маҳкам ушлаб олдик. Ва узоқ куйиб юбормадик. Негадир биз ҳам сизга қушилиб йигладик. Ана шу кун бизнинг хотирамизда абадий муҳрланиб қолди. Сизга меҳримиз янада ошди.

Улгайдик. Куш сингари ҳар томонга учдик. Синфдошимиз «Б» эса математика ўқитувчиси бўлди. У бу фанини севгани учун эмас, асло, отаси домла бўлгани учун уша институтга борди. Ҳозир онда-сонда эшитиб қолам: «Б» сира ўқитувчига ушмайди. Ҳа, бунини қайтар дунё дейдилар.

Азиз, меҳрибон устоз! Сиз устоз бўлибгина қолмай, биз учун ота ҳам эдингиз. Ҳаётдан сабоқ бердингиз, виждонли бўлишимизни истадингиз.

— 1947 йилнинг баҳорида, Тошкентдаги Урта Масжидда жойлашган ҳозирги 230-мактабга борганми.

— Мавжуда она, аввало байрамнингиз муборак бўлсин!
— Раҳмат. Бу байрам нафақат маорифчиларнинг, балки бутун ўзбекистон халқининг байрами бўлиб қоладиган бўлди.

— Келинг, шу баҳона сизни илк бор мактаб остонасида кутиб олган ўқитувчингизни эсла-сак.

— 1947 йилнинг баҳорида, Тошкентдаги Урта Масжидда жойлашган ҳозирги 230-мактабга борганми.

— Нима учун баҳорда?
— Урушдан кейинги йилларда мактаблар анча вақт ешпаганди. Мен ўзимдан икки, уч йил катта болалар билан ўқиганман.

Бизни уша йили пахтага олиб боришди. Синфда энг кичиги бўлганим учун катта қизларга ўқитувчим мени уймага олиб боришларини тайинладилар. Қизлар арим йулгача олиб боришди. Кейин бирдан қийиб бўлишди. Мен эса адашиб қолдим. Шу-шу ўқитувчининг узлари мени уймага олиб борилган бўлдилар. Пахта тарағганимизда эса терган пахталарини бизнинг ҳисобимизга утқаздилар. Ҳатто пахтазор ичида

бизнинг буйимиз қуринмасди. Бор-йуғи икки, уч килодан тара олардик, холос.

Кейин бизга 2-синфдан Ҳолда она сабоқ бердилар. Уларни ҳозир ҳам курганимда олам-олам қувонч оламан.

— Она, нима учун ўқитувчилик касбини таллагансиз? Севибми, еки...

— Албатта севиб, қизиқиб. Ўқитувчилик даврларимда маҳалла қизлари билан «мактаб — мактаб» уйнардик. Соҳларим хурпайган, уримга келмагани учун мени «Рус тили ўқитувчиси» қилишарди.

— Мавжуда она, сиздан тарбия олган ўқувчилар интизомли бўлади дейишди. Бунинг сабаби нима?

— Худоба шукурки, шу вақтгача бирорта ўқувчининг ноҳуя хатти-ҳаракатини эшитмадим, курмадим. 40 йилдан бери мактабда дарс бериб келаятган бўлсам, албатта биринчи соатимнинг 10-15 минут одобнома учун ажратилади. Уларни ўз фарзандимек кураман. Болаларсиз бир кунимни тасаввур қилолмайман.

Битирган ўқувчиларимнинг буйлари мендан баянд бўлиб кетган.

Куча-қуйда курганларида болаларча эрқаланиб, елкамга бошларини қуйдилар. Ана шунда ўқитувчилик касбини таллаб, адашмаганимдан ич-ичимдан қувонаман.

— Раҳмат она, доимо соғсаломат бўлинг.

Суҳбатдош Феруза СОИБЖОН қизи

Сурагда: Ҳамза туманидаги 206-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Мавжуда Раҳимбекова ўз ўқувчилари даврасида. 1972 йил.



МАВЖУДА ОПАНИНГ ҚУВОНЧИ



Меҳрибон устоз, кекса муаллима Роза она ЗОКИРОВАГА

Устоз! Умр — оқар сув деганлари рост экан. Қаранг, бир-бирини қувалаб шошқин йиллар утиб кетибди.

Едингизлами, сиз илк бор мактабда фаолиятингизни бошлаб, бизга сабоқ бера бошлаган йилларингиз. Ушанда 1940 йил, апрель ойи эди. Фани Қодиров раҳбарлик қилаётган Ватутин номи 26-мактабга янги муаллим келибди деган янгилик зум утмай бутун «Қизил дехқон» маҳалласига ейлди.

Уйда ота-онамлар янги муаллимнинг қанақа экан деб сурашганда «жула чироили экан» деб жавоб берганлар ҳам куп. Сабогингиз тинглаб, улгайиб билдикки, биз мактаган инсоннинг сурати эмас, балки сийрати ҳам чироили экан.

Мактабга отланар эканмиз, ҳузурингизга тезроқ етмоққа, дийдорингизни қурмоққа, бор меҳрингизни бериб ўтувчи дарсингизни, ширин сузингизни тингламоққа ошиқардик.

1941 йил, сентябрь. Фашистлар осуда ҳаётимизга раҳна солганга уч ой бўлган. Ҳамқишлоқларимиздан кўпчилиги урушга кетган. Кимнингдир отаси, бировнинг акаси...

Мактабда май ойида хайрлашган устозларимиз сентябрда қўшилишмади. Сабабини сиздан эшитдик. Улар Ватан учун, биз фарзандлар тинчилиги учун жанга отланишган экан. Шу дарига сиз мактабда илмий бўлим

мудир бўлиш билан биргаликда биологидан дарс берадингиз. Уруш даврида мактаб ўқув тажиба томорқасини очдингиз. 0,70 гектар ўқув тажиба участкасига ўқувчилар ердамида 150

Меҳрибон устозимиз Роза она! Сиз олис Россия улқасининг қизи, тақдир азал туғайли Ўзбекистон келини бўдингиз. Маҳалланинг хотин-қизлар уюшмасида фаол меҳнат қилиб,

тингиз ҳам сизнинг нақадар табиатни асрагувчи, гузалликни сеувучи инсон эканлигингизни аниглашарди.

Сиз эса доим амалий машгулотларимизни ўз боғимизда у-

зуэморда ҳам, ҳовлиңи безаган меваларда ҳам қўлингизнинг излари, меҳнатингиз исси сезилиб туради.

Ҳамиша мактаб даргоҳига, ҳалол меҳнатингиз эвазига бунёд бўлган боғингизга ошиқиб

МУАЛЛИМГА МАКТУБ

туп олма, 30 туп шафтоли, 40 туп олча, 180 туп сирени ўтказдингиз, парник ҳужалиғи очдингиз, пахта, лон экидингиз. Жонқуярлик билан ерга қалалган чигит ўз ишловини олиб, ҳосил қундан — кун қуяяверди. Биз ўқувчилар ҳам гайрат билан тер туқиб пахта, полиз экиларий йилдик. Дон экинларини биргаликда жангчилар оғласига тарқатардик. Мактаб жамоасига ҳам бердик, даромадимизга эса ўқув куроллари ер участкасида ишлаш учун ҳужалиқ асбоблари сотиб олиб бердингиз. Томорқалаги фаол меҳнатларимиз эвазига ҳосил байрамида муқофотландик. Бу эса бизнинг меҳнатга меҳримизни янада оширарди. Ҳар йилги ҳосил байрамида айтадиган ўзингиз сизга шераингиз ед бўлиб кетган эди.

Арпа, буғдой, жавдар, сули, бир-бирига оғанини. Участқада ўсиб бари, Гуллаб яшнаб бошоқ тугеди. Ҳосилини йигиб олдик, Синфимизга олиб кирдик. Ботаника дарси учун, Курғазмади қурол қилдик.

ҳамқишлоқларингиз меҳрини қозондингиз. Уруш йиллари, 1942 йилда ташкил этган тажиба участканинг доврғуи узоқ-узоқларга тарқалди. Вилоятдаги қишлоқ ҳужалиқ раҳбарлари иш тажибаингизни урганиб, ўз жойларидеги сингиларни Мул Ҳосил Ингитириб ошдилар.

Устоз, едингизлами, тажибаингизни урганиган Москвадан бир гуруҳ биолог олимлар келганда бутун «Қизил дехқон»да дуь-дуь тап бўлганди. Улар еримизда пишиб етилгандан гўза, арпа, сули, қаноқ, буғдой, картошка, пишэ, саби, жавдарларни экиш ва уларни парвариш қилиш технологиясини ургангани келишган. Бир нечаси тажибаингиз асосида докторлик диссертациясини еkläганининг, ҳатто 6-синфнинг ботаника ўқув дарслигини ездан олма Бельска ҳам сизнинг иш тажибаингиздан фойдаланиб дарслик яратган экан. Биз сиз билан биргаликда қалдрлагани биз шогирдлар учун ҳам катта бахт бўлган бўлиши шарафли меҳнати учун. Меҳнат фахрийси нишонини, «Шухрат» медали, «Ўзбекистон Халқ маорифи аълочи» нишонини ва бошқа фахрий ериқлар, бизни ҳам фахр нурига қушиб юрган. Республика Ўқитувчилар малакасини ошириш институти томонидан диплом билан тақдирланганингиз ҳам қувончлидир.

Ҳар байрам кунлари Навруз, мустақиллик байрамларида қўни-қўшнилар қатори биз шогирдлар ҳам ҳузурингиздамы. Ҳовлиңгизга кирганимизда қуш-қўй туллارининг ҳиди димоқини ерутудек...

Набирангиз Фариде, қизингиз Феруза ўзингиздек катталар билан «туллар ҳовлиңини қурки-да» деб қўзқошишди. Лекин, бир қатор қилиб экилан



МЕҲРИ БУЛОҚ, КўНГЛИ ДАРЁ УСТОЗЛАР

Жонажон мактаб кучоғида 20 йилдан буён ўғил-қизларга сабоқ бериб келаятган Воҳидахон она Ганиеваннинг қувончига бугун мактаб жамоаси тенг шерик. Кўни кеча муаллимага «Олий тоифадаги ўқитувчи» унвони берилди. Мактаб директори Маҳфузахон Жўраева устозни қутлар экан, уларнинг ибратли фаолиятига тўхтади. Ҳамкасблари Ҳамида Рустамова, Алийон Қулматов, Мавлууда Ҳасанова, Олимжон Қодировлар она ҳақида, унинг меҳр билан ўтувчи ҳар бир дарс соатлари ҳақида тулқинланиб сузладилар.

Шогирдлари Зоҳиджон Мамаионов, Ганишер Дехқонов, Нилуфар Дехқоновалар сабоқ ўқувчилар номидан дил изҳорларини изҳор қилдилар.

Ҳа, ҳалол меҳнат бесапар кетмас экан. Ойлада ширин фарзандларига, мактабда ўғил-қизларига оналик меҳрини бирдек бераётган Воҳидахон она ни қушалок қувонч билан қутлаймиз. Ҳаётда шундай инсонлар борки, уларга тақдир қилгинг, ибрат олиб яшагинг келлади. Ҳар тонг мактабга эрта саҳарлаб келиб, ўқувчиларни қучоқ очиб кутиб олаётган меҳри булоқ Воҳида опада шундай йўлни кураман.

Эрта тонгда бувимнинг қистовларисиз турардимда, мактабимга эмас, биринчи навбатда ҳузурингизга шошардим, Улмасхон она! Ушанда 4-синф ўқувчиси эдим. Куринишингиз билан ҳаяжонланиб, қоқила-қоқила олдингизга етиб борардимда, қўлингиздаги сумкаингизни олишга ошиқардим.

Қалбингиз шунчалик кенг эдики, синфдаги ўғил болаларнинг шуҳликлари сизни заррача ранжитмасди. Елғондакам оғримгадан бошимиз, қорнимиз, дарсга келмай қолган кунги излаб топган ҳар қандай баҳоналаримизга чиппа-чин ишонардингиз. Чунки Сизнинг қалбингизда ёмонлик деган сузининг узи йўқ эди. Дарс давомида ўз рўқамимизни сумкамизга бекитиб қуйиб Сизнинг рўқамингизда ёзгимиз келарди. Бекор утирмагин, дердингиз-даручкаси йўқларга рўқча тарқатардингиз. Бу ҳийла — найранларнинг ҳаммаси кейин билсак, Сизнинг ёмонликини билмайдиган қалбингиздан экан. Синфдаги 32 ўқувчингиз бирдек Сизни яхши қўрардик. Чунки Сизнинг олов меҳрингизда бизларни ардоқлаш, севиш тўйғуси бор эди...

Гулбахор НАЗАРОВА, Балиқчи тумани
Маммура МАДРАХИМОВА, «Тонг юлдузи» муҳбири

Устозлар байрамининг умумхалқ байрами деб қабул қилинганини эшитиб, роса хурсанд бўлдим. Узим нафақахурман. Шу ёшга кириб, газетага энди мактуб ёзганим. Жигарларим Раънохон, Рихсинисо, Ёқубжонлар туманимиздаги 131-мактабда ўқишади. Набираларим тушмагур, ўқитувчилари Назирахон ва Маърифатхонларни оғзидан қўймай мақташади. Бу устозлар хонадонимизда куп бўлишган, эринимасдан набираларимни, бошқа ўқувчиларнинг дарсдан кейинги машгулотлари, буш вақтлар қандай утаётганига қизқардилар. Яқинда 1-синфга борган Ёқубжоннинг қувончидан баҳри-диллим яйраб кетди. «Президент бобом» совғаси деб маҳалладаги болаларга сумкасини мақтагани-мақтаган. Илойим, замонамиз тинч бўлсин. Набираларимиз юзидан қувончу шодлик аримасин. Ўғил-қизларимизга бор меҳри билан билим бераётган устозлару муаллимлар омон бўлсинлар. Байрамлари муборак бўлсин.

Матлуба ЭРГАШОВА, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани

ДОВРУҒЛИ МАКТАБ

Кекса муаллим Норча Нуриддинов номи билан аталувчи 2-мактабда бутун қушалок байрам. Мактаб ўзининг 70 йиллик тўйини ўқитувчилар байрами арафасида нишонлангити. Мактаб директори Туреунпур Туреунпур эса бу йилги ўқув йили жамоамиз учун омадли келди, дея қувонади. Мактаб «Яшил чирок» республика курик-танловидеа биринчи, «Қушқлар байрами» танловидеа вилоятда учинчи уринини эгаллади. Еш ўқувчилар Мустақиллик байрами кўни катта майдонда санъатлари билан халқ оқшишига сазовор бўлдилар.

Бу ютқда Ҳидоят Узоқова, Ҳилола Эшпозилова, Умидилло Мамажонов, Дилбар Туреунова, Ка-

мола Мустафонова, Азиза Жўраева, Хуршида Туреуноваларнинг ҳиссаси катта бўлди.

1995 йилда тузилган «Ҳилол» тасисининг еш иштирокчиларига Файзулло Туреунов баҳолани қутлар ерлам беришга бел боғланди. Дасти шу кунгача фольклор курикларда қатнашиб, туман ва вилоят совринлари билан шарафланган даргоҳда 850 нафар ўғил-қиз билим олмақдалар. Бугун уша меҳрга қон, қалби осмон устозларнинг байрами экан, Қашқаларе воҳасининг бир чеккасида ўзи кичигу, доврғуи катта бўлган мактаб жонқуярларига соғлиқ, кутаринки кайфият тилаймиз. Илчан кайфиятингизга куп нарса боғлиқ, устозлар!



Таъзим

Нилуфар ДАВИДОВА

Аълочи ўқувчиман,
Баҳоларим фақат «беш».
Бажараман чопганча,
Чиқиб қолса бирон иш.
Катталарнинг гапили

Ўқитувчиларнингиз иқсоғидан



ЯХШИ ВА ОМАДЛИ БОЛАМАН

Ҳар дам тинглаб тураман.
Кир қилмай энгил-бошим
Доим тоза юраман.
Мақтанчоқ бола экан,
Дея асло ўйламанг.
Мени ҳамма яхши дер,
Ўзи яхши боламан.

Қани, озгина фурсат,
Булса эди шу кезде.
Уйга берилган ишни,
Ечиб олардим тезда.
Кеча тўп уйнаганим,

Энди алам қилади.
Ҳозир мен «пкки» олсам,
Ҳамма менадан кулади.
Шу пайт эшик тақиллаб,
Доктор амаки келади.


Касалликка қарши деб
Ҳамман «укол» қилди.
Энди кейинги дарсга,
Тайёрланиб келаман.
Қаранг, қандай яхши-я,
Мен омадли боламан!

Жамила ТОЖИЕВА,
Самарқанд вилояти,
Нуробод туманидаги
29-мактаб ўқитувчиси

САБОҚНАТИЗ СОҒИНАТИРАДИ

Юрак илк титраниб босган остона,
Кўзимда минг ҳадик, минг битта жола.
Ҳануз соғинч ила ёдлангур хона, —
Устоз, сабоқнингиз соғинтиради.
Тахтага етмаган жажжи қўлларим,
Билмасликдан қўрққан, мунчоқ кўзларим,
Кеч қолсам, ловиллаб кетган юзларим,
Устоз, сабоқнингиз соғинтиради.
Йўлларни чангитиб, тўлпордек учган,
Тугри йўлни кўриб, лой, тўлпроқ кечган,
Дусту клим, душман клим, ажратмай қўчган,
Устоз, сабоқнингиз соғинтиради.
Бугун мен юракдан соғиниб кетдим,
«Р»ни «Г» деганим, илк бор билганим.
Устолни елимлаб қўйганим учун,
Қўлоғимдан қўзган муаллимимни.
Соғиндим, уй ишни қўзғонган ўша,
«Алло сўз», «маъно сўз» синфдошимни.
Синфдош қизларим «якка»лаб қўйса,
Устозга сўянган зўв бардошимни.
Эҳ-ҳе, кепиб кетар байрамлар бизер,
Қувончу, шодликдан иборат жамия.
Барчасидан азиз, гўзал, бетакрор,
Мени тинч қўймайди, соғинч байрамим.

Нилуфар ДАВИДОВА,
Улуғбек номидаги Фарғона Давлат
Дорилфунуни талабаси



Нурота туманида бир мактаб бор. Мактаб ўзининг қўлигул хунарманд, санъатга, ижодга эътиқод қўйган ўқувчилари билан тўлаги тушган. Ўқувчилар ўзлари тайёрлаган техника воситалари билан туман, вилоят ҳатто республика миқёсида ўтказилган таълимларда қатнашиб, бир неча бор фахрли ўринлар соҳиби бўлишган. Нурота туманининг 18-мактабида таълим олиб, ҳам хунар ўрганаётган бу ўқувчиларнинг техникага бўлган қизиқишлари тобора ортиб бормоқда.

Бобомурод Чориев Сурхондарё вилояти, Ангор тумани Муस्ताқиллик жамоа ҳўжалиги ҳудуддаги мактабда 33 йил муаллимлик қилиб, ҳозир кексаллик гаштини сурмоқда. Устознинг сиз болапарга айтадиган топшимоқлари кўп экан. Уйланг, изланг, фикрларингизни чарҳланг.



1. У сенинг энг содиқ ҳамроҳинг эрур, Овозсиз сўзига дилинг энтикур.
Кўнгул булоғингга завқ, илҳом солиб
Ҳақиқий дўст бўлиб ёдингда қолур.
Қитқор

2. Қўлсиз тошни тошларга урар,
Турли оҳанг тарқатиб турар.
Ўзи босар изин билмайи,
Оқ кўпизин қаймоқ қилмайди.
аёт

3. Сут эмасу кўпириб тошар
Терган сайин завқинг кўп ошар.
Лўппизина ипақдек майини,
Дилинг қувнар боққаннинг сайини.
Пакта

4. Туси қора, эл сотиб олар
Лекин ёнса, оқариб қолар.
Қўнур димур

5. Ниҳоят, бир тайёқ
Кексаларга лек оёқ.
Хасса

6. Найза отсанг санчилмас
Тепкилагини, янчилмас.
Боз

Биринчи муаллимим

Мактабдаги биринчи ўқитувчим... Узун бўйли, қотма, қаттиққўл, тушунтириш, ўқитиришдан эринмайдиган одам — Барот Абрўев эди. Биз ундан тартибни, муносабатларни ўргангандик. Биринчи, иккинчи синфда мактабдан келгач, овқат еб олишдан олдин «уйга вазифа»ни бажариб қўяр, булмаса, негадир кунглим тинчимасди. Уйга вазифа мен учун энг катта иш эди! Биринчи ўқитувчим мактабдан борибқол дарс қилсанг, синфхонадаги эшитган-ўқиганларнинг ёдингдан кутарилмаган булади, уни янада мустаҳкамлаб оласан, дерди. У бизни аввало дарс қилишнинг тартиб-интизомига ургатган, десам янглишмайман.
Синф «Алифбе»ни ўқитганида, биринчи синфнинг математика дарслари ўқитилганда зерикиб ўтиришимни эслайман, чунки мен бу сабоқларни мактабгача ўрганган эдим.
Биринчи ўқитувчим Абрўев бизни дарсдан ташқари ўқишга қўнқиттар, бадиий китобларни ўқишга ўргатарди. У синфдаги 5-6 нафар аълочи ўқувчига юшқа шеть китобларини бериб, ичидаги ҳамма шетьларни едлатарди.
Байрам арафасида ўқитувчи ва мураббийларини ҳаммаша соғинсинлар, уларга таълимсинлар, яхши хотиралар билан едласинлар. Устозлик бахти ҳам шу булса керак.
Биз шогирдлар ҳам ҳаммаша устозларни эъозлашга қодир булайлик.

Салим АШУР,
шоир

ҚАЛБ ХАРИТАЧИЛАРИ

... Яхши одамга энг яхши таъриф, самимий деган сўз. Ҳар гал қишлоққа самимийликни соғиниб бораман ва ҳар гал уша тўйгудан кўксим тулиб қайтаман. Ўқувчилик йилларида муаллимларимни яхши курадим. Уларга булган меҳрим туфайли мактабга борардим, уша меҳр туфайли аълочиларга ўқишга ҳаракат қилардим.
... Зайнаб опа Бердиева мен булакча меҳр қўйган муаллимларимдан. Болалигимни эсласам уша меҳр тула кўзларни — Зайнаб опани соғинаман.
Болалик нақадар меҳрманд юрак! Муаллим уша юракнинг кўзларини тикилиб турган ҳаёт.
Мени шу меҳр ҳамон Зайнаб опанинг ҳузурига етаклайди. Яқинда қишлоққа борганимда Зайнаб опанинг шу йилги меҳнатлари, республика истеъодларини излаймиз конкурсда ўқувчилари фахрли ўрин олиб, натижада опа «Олий тоифали ўқитувчи» бўлганларини эшитдим.
Ўқитувчи қалб хариталаримизни ўрганувчи буюк зот. Биз ана шу буюклик ва буюк зотлар қаршисида мудом таъзимдаимиз.
Мен бугунги ўқитувчилар қуни билан Зайнаб опани ва бутун республика ўқитувчиларини табриқлайман. Ишларига омад, келажак айлуд тарбияси бобинда толиқмасликларини тилайман.

Гулжамол АСҚАРОВА,
Каттақўрғон туманидаги
М.Тоғаев номли 20-ўрта мактаб



Кутлов

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КўМИТАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА
Таҳрир хайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Ҳотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Дадахон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛҚОВА.

IBM компьютериди терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г - 0668. 7394 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00 Топшириш вақти — 18.30 Навбатчи муҳаррир Ф. Одилова

Рўйхатдан ўтин тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
Нашр курсаткичи: № 64563

Телефон:
1-33-44-25

